

# «Fitch Ratings»

**нуфузли халқаро рейтинг компанияси акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг 2008 йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлаб, «Барқарор» тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.**

**Бизнесингиз ривожини йўлида барқарор ҳамкорни танланг!**

**«ПАХТАБАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАПИТИДИР!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

## «ЁШЛАР БОҒИ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Норинликлар жорий йил бошида хайрли ишга қўл уриб, «Ёшлар боғи»ни барпо этишган эди. Ҳаққулбод шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида жойлашган бу маскан кун сайин яшнамоқда.

Унга экилган минг тупдан ортиқ каштан, арча кўчатлари кўкса буй чўзиб қолди, анвойи гуллар эса барқ уриб очилиб, дилларга ўзига хос масрурлик бахш этаётир. Шунинг билан, боғ йи-

гит-қизларнинг энг сеvimли масканига айланган. Бу ерда ташкил этилаётган турли кўнгличар тадбирлар уларнинг бўш вақтига мазмун киритмоқда. Чунинчи, яқин

да ўтказилган «Маҳалла — муқаддас гўшам», «Муस्ताқиллик фарзандлари» сингари кўриктанловларда ёшлар ўз иқтидорларини яна бир бор намойиш этдилар. Шунинг билан эса боғнинг ҳашаматли рамзий дарвозаси очилди. Тақдирот маросимига йиғилганлар бу жойда келажакимиз эгаларининг мароқ-

ли ҳордиқ чикариши, маданий-маърифий савиясини ошириши учун яратилган шароитларга юқори баҳо бердилар. Боғдаги хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, яқин вақт ичиде муъжаз амфитеатр бунёд этилиб, турли аттракционлар ишга туширилади.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Яхши хабар

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПК-672-сонли Қарорига асосан, аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади. Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2008 йил 29 сентябрь Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

№	Корхонанинг номи	Манзили	Сотил-диган улш (%)	Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.)
1.	«Ўзбекистон шампани» ОАЖ	Тошкент ш.	51,00	2 318,0	1 200,0
2.	«Ўзпахтамаш» ОАЖ	Тошкент ш.	50,00	6 567,5	5 500,0
3.	«Чинос» дам олиш маскани	Тошкент вил., Чинос тум.	100,00	250,0	1 000,0
4.	«Шаршара» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Наманган вил.	100,00	249,0	142,5
5.	«Рохат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Бухоро вил.	100,00	36,0	50,0
6.	«Ўзбеккўмир» ОАЖ	Тошкент ш.	35,55	30 579,8	232 000,0
7.	«Сарбон-Нефгаз» ОАЖ	Тошкент ш.	25,00	763,2	800,0
8.	«Жиззах пластмасса» ОАЖ	Жиззах ш.	57,67	3 630,0	5 000,0
9.	«Нақлгазмахасускурилиш» ОАЖ	Тошкент ш.	20,00	2 302,0	700,0
10.	«Ўзэнерготаминлаш» ОАЖ	Тошкент ш.	25,00	3 361,0	800,0
11.	«1-Косон пахта тозалаш» ОАЖ	Қашқадарё вил.	26,00	1 898,8	энг юқори
12.	«Гурлан пахта тозалаш» ОАЖ	Хоразм вил.	26,00	1 222,6	энг юқори
13.	«Хўжаобод технологик транспорт бошқармаси» ОАЖ	Андижон вил.	25,00	376,053	240,0
14.	«Нефть ва газ кудукларини синаш» ОАЖ	Қашқадарё вил.	22,90	1 981,7	400,0
15.	«Нефтьгазтадқиқот» ОАЖ	Бухоро вил.	25,00	110,0	940,0
16.	«Қашқадарё технологик транспорт» ОАЖ	Қашқадарё вил.	25,00	3 600,0	2 000,0
17.	«Тошкент иссиқлик электр станцияси» ОАЖ	Тошкент ш.	47,00	7 350,0	135 700,0
18.	«Кўкон спирт» ОАЖ	Тошкент ш., Фарғона вил., Кўкон ш.	47,00	8 159,0	3 000,0
19.	«Марказий» меҳмонхонаси мажмуи	Тошкент ш.	100,00	40 183,3	25 292,4
20.	«Гидромахасускурилиш» ОАЖ	Тошкент ш.	69,00	2 100,0	2 180,0
21.	Бухоро вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти	Бухоро вил.	25,00	494,7	1 293,2 млн. сўм
22.	Навоий вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти	Навоий вил.	25,00	284,0	156,3 млн. сўм
23.	Жиззах вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти	Жиззах вил.	25,00	911,0	496,1 млн. сўм
24.	Хоразм вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти	Хоразм вил.	25,00	683,0	113,3 млн. сўм
25.	Фарғона вилояти «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти	Фарғона вил.	25,00	821,0	1 225,0
26.	«Самарқандқимё» ОАЖ	Самарқанд вил.	100,00	20 506,0	7 300,0

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда информация меморандум, тендери ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин Давлат мулки кўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг куйидаги ҳисоб рақамларидан бирга ўтказиш лозим:

- валюта рақами 20203840500600289001;  
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИКБ, Тошкент шаҳри, Фарход кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. код — INIPUZ22.

Тендер таклифлари 2008 йил 29 сентябрда Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) очилади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилларга мурожаат этишинингизни сўраймиз:

Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй.

Маматов Одижон эътиборига.

Телефон: +998 (71) 150-72-13. Факс: +998 (71) 259-20-72.

Эл. манзил: www.gki.uz

Кимёсаноат соҳаси корхоналари бўйича:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,

Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри,

«Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй,

Давлат мулки кўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил

Ҳақимжонович эътиборига.

Телефон: +998 (71) 259-22-51.

Факс: +998 (71) 259-22-79.

Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

Пахтасаноат ва нефть-газни қайта ишлаш корхоналари бўйича:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,

Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй,

Давлат мулки кўмитаси биноси, 15-қават.

Бош директор Набижонов Саъдуллахон

Ҳамидуллахонич эътиборига.

Телефон: +998 (71) 259-22-23.

Факс: +998 (71) 259-21-42.

Эл. почта: eibb@tps.uz

## РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2008 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб буюрчи очик аукцион савдоларига куйидаги мол-мулклар кайтадан қўйилмоқда:

Суд ижрочилари Ургут тумани бўлими томонидан савдога қўйилган, Ургут туманидаги «САМ-ЛАРК-КАРПЕТ» кўшма корхонасига қарашли:

1. Тўқув дастгоҳи, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 12 987 000 сўм.**
2. Тўқув дастгоҳи, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 12 969 829 сўм.**
3. Елимлаш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 49 626 000 сўм.**
4. Қирқиш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 5 576 496 сўм.**
5. Қирқиш машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 8 298 108 сўм.**
6. Гилам четларини елимлаш учун пресс машинаси, 2005 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 8 298 108 сўм.**

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси 2008 йил 13, 29 октябрь ва 14 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закат пулларини республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»и Самарқанд вилояти минтақавий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тулашлари лозим: 2020800404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

### Ғамхўрлик

## 70 оилга тикув машиналари

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими томонидан тикувчиликка ҳавас қўйган 70 та оилга «Зингер» тикув машиналари тарқатилди.

Ушбу беминнат ёрдам шаҳар ва туманларда «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттиришга, касаначиликни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, аёлларнинг корхона ва рўзгор юмушларини бажариши ҳамда фарзандлар тарбияси билан шуғулланишлари га имкон яратади.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

### НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиш мўлжалланган умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш учун танлов эълон қилади.

1. Навоий шаҳридаги спорт коллежининг 100 ўринли ётоқхонаси.
2. Нурота туманининг Папанай қишлоғида 435 ўринли касб-хунар коллежи.
3. Хатирчи туманининг А. Темур ширкат хўжалиғида 435 ўринли касб-хунар коллежи.
4. Хатирчи туманининг Ш. Рашидов ширкат хўжалиғида 435 ўринли касб-хунар коллежи 50 ўринли ётоқхонаси билан.
11. Хатирчи туманидаги 26-сонли мактаб филиали билан.
12. Хатирчи туманидаги 32-сонли мактаб.
13. Хатирчи туманидаги 34-сонли мактаб.
14. Хатирчи туманидаги 36-сонли мактаб 12x24 ҳажмли спорт зали билан.
15. Хатирчи туманидаги 42-сонли мактаб.
16. Хатирчи туманидаги 80-сонли мактаб.
17. Хатирчи туманидаги 56-сонли мактаб.
18. Хатирчи туманидаги 69-сонли мактаб 12x24 ҳажмли спорт зали билан.
19. Хатирчи туманидаги 87-сонли мактаб.
20. Қонимех туманидаги 19-сонли мактаб.
21. Нурота туманидаги 9-сонли мактаб.
22. Нурота туманидаги 14-сонли мактаб.
23. Нурота туманидаги 16-сонли мактаб.
24. Нурота туманидаги 21-сонли мактаб.
25. Нурота туманидаги 24-сонли мактаб филиали билан.
26. Қизилтепа туманидаги 19-сонли мактаб 12x24 ҳажмли спорт зали билан.
27. Қизилтепа туманидаги 35-сонли мактаб.
28. Томди туманидаги 5-сонли мактаб 20 ўринли ётоқхонаси билан.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджетди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос қилишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг қандайдир 20 фоизи миқдоридagi бундай айланма маблағга эгаллиги ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларини ва мутахассисларнинг мавжудлигини, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқат ва устоз сармоясининг миқдори, танлов объектга ўрнатиш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигини, ўз қўлини билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектда ўз қўлини билан бажарилган ишларнинг мўлжалланган танлов ҳажми (фондларда).

Танлов савдосида қатнашиш истагидаги талабдорга буюртмачи томонидан белгиланган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Танлов савдосида қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С. Айни кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпанининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм. Таклифлар (сферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати — сферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (сферталар) очилиши эълон қилинганда, соат 12.00 да, бошқа қандайдир 30 кундан кейин ўтказилади.



Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.


МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner

Tel.: 250-11-11.

Халқаро турнир

Авал хабар берганимиздек, Тошкентда шахмат бўйича ёллар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган халқаро турнир қизгин давом этмоқда.



ОЛТИНЧИ ТУРДАН СЎНГ

Мусобақада мамлакатимиз шахматчиларидан ташқари, Қозоғистон, Беларусь, Германия, Украина ва Арманистондан келган жами йигирма нафарга яқин тажрибали гроссмейстер ва халқаро тоифадаги спорт усталари донна суришмоқда.

Нихоясига етган олтинчи тур учрашувларида голибликка даъвогар тўрт шахматчи ўзаро рўбарў келди. Халқаро турнирда ҳозирча пешқадам бўлиб турган қозоғистонлик Мария Сергеева германиялик Елена Левушкинани, Анна Зозуля (Беларусь) Хулкар Тоҳиржоновани (Ўзбекистон)ни мағлубиятга учратди.

Ҳамюртимиз Ольга Собирова яна бир терма жамоамиз аъзоси Нафиса Муминова устидан зафар қучди. Сирануш Андреасун (Арманистон) — Юлдаш Ҳамроқуллова (Ўзбекистон), Гулмира Даулетова (Қозоғистон) — Евгения Долуханова (Украина), Ирина Геворгян — Нодира Нодиржоновани (Ўзбекистон) учрашувлари дуранг натижа билан якунланди.

Олтинчи турдан сўнг Мария Сергеева 5,5 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Анна Зозуля 4 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Хулкар Тоҳиржоновани, Ольга Собирова, Елена Левушкина, Евгения Долуханова ва Гулмира Даулетовалар ҳисобида 3 тадан очко бор.

Эндулла ЖОНИБЕКОВ.

ФАЛАКИЁТ ОЛАМИНИНГ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида илм-фаннинг келажаги мустақам асос солинди. Мустақиллик йилларида аждоқларимизнинг илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, бу борада қизгин тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очилди. Айниқса, салоҳиятли ёш тадқиқотчиларни тарбиялаш, малакасини ошириш, уларнинг замонавий илм-фан ютуқларидан бохабар ҳолда кенг тасаввур ва дунёқарашга эга бўлишини таъминлашга катта эътибор қаратилаётган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим ислохотлари изчил давом эттирилмоқда, таълимнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланяпти.




Мана, яқинда Андижоннинг Боғишамол ҳудудидаги Бобур миллий боғида янги обсерватория қад ростлади. Мазкур замонавий қурилма Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия илмий текшириш институти, Бобур халқаро жамғармаси ҳамда Андижон давлат университети билан ҳамкорликда бунёд қилинди.

Минг квадрат метр майдонни эгаллаган ушбу обсерваториянинг баландлиги етти юз метрни ташкил этади. Унда телескоп ва бошқа зарур замонавий ускуналар мавжуд. Янги қурилма Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги мавжуд олий ўқув юрларининг математика ва астрономия факультетларида таълим олаётган талабалар ҳамда фалакиёт илмига қизиқувчи ёшларнинг қоиност сирларидан воқиф бўлишида асослади.

Маълумки, юртимизда қоиностшунослик фани чуқур илдиэга эга. Самарқанддаги Улугбек расадхонаси етти иккимга машҳур эди. Унинг бағрида ўз даврида буюк математиклар ва қоиностшунос олимлар Мирзо Улугбек раҳнамолигида илм-фан билан шуғулланганлар. Аждоқлардан қолган бой илмий

меросни ўрганиш, бу борада изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш мақсадида Тошкентда Астрономия обсерваторияси ташкил этилди. Сўнгроқ, у Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти — илмий тадқиқотлар ҳар иккала илмий даргоҳда ҳамда юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги астрономия илмий обсерваториясида олиб бориладиган бўлди.

ИСТИҚБОЛ



қикот муассасасига айлантирилди. Қашқадарё вилоятида жойлашган Мирзо Улугбек номидаги Китоб халқаро кенглик станцияси эса унинг филиали ҳисобланади. Шу тарихи астрономик тадқиқотлар ҳар иккала илмий даргоҳда ҳамда юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги астрономия илмий обсерваториясида олиб бориладиган бўлди.

Олимларимизнинг фикрича, бугун астрономия да, ўзимиз яшаб турган сайёрани космосдан туриб ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз таълим тизимида ушбу соҳани мукамал ўрганишга, бу борада юксак малакали ёш мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бинобарин, бугун мамлакатимизда 10 дан зиёд олий ўқув юрларида астрономия таълими энг муҳим фанлар қаторидан ўрин олган.

Коинотшунослик фанини тадқиқ этишимизда ушбу замонавий обсерватория бекиёс аҳамиятга эга, — дейди Андижон давлат университетининг профессори, техника фанлари доктори Раимжон Алиев. — Тадқиқотчиларимиз илгари фақат назарий билим ва тушунчалар билан қияфоланар эдилар. Рост, астрономия соҳаси бўйича амалиёт ўтказиладиган бундай мухташам қурилмани кўпдан буюн орзу қилардик. Зеро, мазкур

лоийҳалар ва ишланмалар» йўналиши голибаси Шаҳноза Ҳайитова. — Бу тадбир бизни янгидан-янги ғоя ва тақлифларни ишлаб чиқишга илҳомлантириш билан бирга, келгусида жамиятда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни топишимизга ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Келажақ овози» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтди. Танловда иштирокчилар «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадий ижод», «Архитектура ва дизайн», «Ахборот ва комму-

никация технологиялари», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар», «Радионализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» ҳамда «Спорт» йўналишлари бўйича ўз билим, истеъдод ва маҳоратларини намойиш этидилар.

Бу йилги вилоят саралаш босқичида қарийб тўрт миң нафар иштирокчи йилгикиз ўзаро беллашди. Ҳайрат аъзоларининг хулосасига кўра, улардан 41 нафари танловнинг республика босқичига йўланма олди.

«Бадий ижод» номинацияси бўйича сўнгги босқич йўланмасини кўлга киритганидан жуда хурсандман, — дейди Навоий давлат педагогика институти талабаси Мунаввар Исмоилова. — Насиб қилса, ўз ижод намуналарим билан республика босқичида ҳам голибликни кўлга киритаман, деган умиддаман.

Абдурауф САТТОРОВ, Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

«КЕЛАЖАҚ ОВОЗИ»: ИҚТИДОРЛИК САРАЛАНМОҚДА

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маркази кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинган «Келажақ овози» кўрик-танлов ишларининг истеъдод ва иқтидорларини рўбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили Самарқанд вилояти бўйича мазкур танловда 3 миң нафарга яқин йилгикиз қатнашган бўлса, жорий йилда улар сони 5200 нафардан ошиб кетди. Ана шу ёшлардан юқори натижаларга эришган 320 нафар истеъдод эгаси танловнинг вилоят босқичида иштирок этишга муяссар бўлди.

Шаҳарнинг «Мўъжиза» амфитеатрида кўрик-танловнинг вилоят босқичи голиблирини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда танловнинг республика босқичига

йўланмани кўлга киритган 41 нафар иқтидор соҳиб номли эълон қилинди ҳамда таълиқчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

«Келажақ овози» ёшларимизнинг энг сеvimли танловларидан бирига айланиб улгурди, — дейди Самарқанд қишлоқ ҳўжаллиги институти талабаси, «Рационализаторлик тақлифлар, техник

2008 йил — Ёшлар йили

«Келажақ овози» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтди.

Танловда иштирокчилар «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадий ижод», «Архитектура ва дизайн», «Ахборот ва комму-

ЯНГИЛИК // ТРАНСАЭРО. Авиакомпанияси Тошкент ва Бухородан йўналишларини таъминлашга қўйилган давлатларга парвоз қилишни тақдир этди. Германия, Австрия, Буюк Британия, Франция, Люксембург, Исроил, Кипр. 555\* ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ (ИККИ ТОМОНГА). ДИҚКАТ! Янги телефонлар: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

МИРОҚИ МЎЪЖИЗАСИ

Мироқи — қадим Шаҳрисабзнинг сўлим гўшаси. Бу ернинг табиати табобатнинг бетақор сирлари билан ўзаро уйғун бўлиб, одамларни даволаш хусусиятига эга. Шу боис, азалдан тилга тушган. Тошкентлик бир дўстим бор. У ҳар йили ёз жазирамасида Мироқига келишни қанда қилмайди. Сабабини сўрасангиз, «Бу жаннатмонанд масканнинг қадрига етиш керак. Бир томони тоғ, иккинчи томони катта сув ҳавзаси, бошқа тарафда шарқираган дарё бор. Бог-роғлар ястаниб ётган бундай бетақор, гўзал ҳудудни қаердан топасиз?», дейди тўлқинлиб.

Дарвоқе, Мироқи табиати бир пайтлар сеvimли адибимиз Ойбекнинг ҳам назарига тушганини кўпчилик билмас керак. Айтишларича, Ойбек домла Оқдарё бўйларини жуда хуш кўрган. У дарё ёқасидаги мироблар хонадонидан бир неча ойлаб яшагани ва ижод қилганини шу ерлик кексалар ҳали-ҳануз фахр билан гапириб юрадилар.

Мироқи шаҳарчаси 9 та қишлоқдан ташкил топган, — дейди фуқаролар йўғини раиси Мустафо Мухиддинов. — Кейинги йилларда бу ерда аҳоли сони кўпайиб, янги-янги уй-жойлар, маъмурий ва маиший бинолар қад ростлади. Бир қатор кичик корхоналар барпо этилди. Айниқса, «Турон» ва «Камол» кичик корхоналари, рақамли ва уяли телефон станцияларининг ишга туширилиши юзлаб янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берди. Бундан ташқари, айни чоғда «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида 114 нафар, спорт-педагогика коллежидан 140 нафар киши ишламоқда. Бизни хурсанд

қиладиган жойи шуки, бир томондан, одамларимиз иш билан таъминланаётган, иккинчи томондан, шаҳарчамиз янада сўлим гўшага айланаётган. Дарҳақиқат, Мироқидан ҳаёт



си тепага кўтарилаётган буг ва тошқин дарёдан сарчайган сув зарралари билан омикта бўлиб, дов-даракдан чиқайтган қилорид билан тўйинади. Шифокор сифатида шуни айтишим мумкинки, мана шу омикта ҳаво

жалб этиш мумкин. — Табиий даволаш омилларининг энг муҳимлари — қуёш, ҳаво ва сув, — дейди «Мироқи» санаторийси бош шифокори Дилшод Хушвақтов. — Тоғ ҳаво-

Юрт манзаралари

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяортма Г — 856. 27380 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган, Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Копибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳақ юқуни — 23.30

Таълим. Ёшлар камолини ўйлаб, мамлакатимизда қурилиб, фойдаланишга топширилган мухташам ва замонавий ўқув масканлари тобора кўпаймоқда. Шундай таълим даргоҳларидан бири Олмалик саноят коллежидир.

БЎЛАЖАК КОНЧИЛАР

Ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида коллеж Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, «Аммофос» корхонаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ўқув амалиёти жараёнини муваффақиятли якунлаган ёшлар мазкур корхоналар билан ишга жойлаштириш борасида шартнома имзоладилар.

Мамлакатимиз тоғ-кон санаятида самарали фаолият олиб борувчи ўрта махсус малакали мутахассисларни тайёрлаш асосий мақсадиимиздир, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ирина Пак. — Фойдали қазилмаларни бойитиш, қора ва рангли металлларни эритиш ва қуйиш, бургулаш иши, тоғ-кон қидирув ишлари, саноят машиналари ва ускуналарини таъмирлаш сингари соҳаларда дадил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларимиз тобора кўпайиб бораётганидан мамнунимиз.

Дилшод УСМОНОВ.



СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

МИР обоев. Российский линолеум. Тел. 234-48-11. Факс 234-49-58. Товар сертифицирован. Форма оплаты — залобая.

Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси академиги Собир Раҳметовга онаси Марьям РАҲИМЖОНОВАнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўғибосаров. Навбатчи — М. Оқунова. Мусахҳах — Ҳ. Тошхўжаев.